



## Ай, Худай урганлар (Абдулла Қодирий)



— Бачимаъни ер ислохот?(Чиганмок — тисланмок, кўркмок.) — деб маҳдум почча сўрайди. Мухотабким(Мутасаввар — тасвирланган.), куий масжиднинг имоми мулла Тошохунд эрдилар. Мадрасада ўкулган калом ва мантиқ бахсларини хотирлаб кўзлари юмик холда марҳамат киладиларким:

— Ислохул арз... мунбит кардани замин(Рўкаш — усти ялтирок, ичи калтирок (муал).), яъни ўзбаки ерни ислох!

Мулла Тошохундким, латифа ва азкияда мадрасанинг пешвоси эрдилар. Маҳдум поччанинг «лонусаллим»га(Лонусаллим — таслим бўлмаслик.) хозирланганини сезиб,

мутояба тарикасида яна мархамат буюрдиларким:

— Чигатой гурунгининг модари лисонида:(Чигатой гурунги — йигирманчи асрнинг 20-йилларида вужудга келган ўзбек зиёлиларининг ташкилоти. Бу ташкилот низомига кўра ўзбек тилини бегона сўзлардан тозалаш максадини хам кўйган эди.) ерни гўнгаш, яъни гўнгни ер — хих, хих, хих...

«Лонусаллим»ни унутиб, маҳдум почча хам кулгига иштирок килди.

Жахли басит (Жахли басит — ўта нодон.) иззатмандларидан икки пешвонинг масжид жилов-хонасида таппилашларидан бу бир намуна. Аммо «ер ислохоти» тўгрисида кишлок мулкдорларидан Сотимдовнинг фикрини билмакчи бўлсангиз яна ўзга томоша:

— Ассиламалайкум! — дейди агар Сотимдовга учрашиб колсангиз.

— Ваалайкум ассилам! — дейсиз.

— Бола-чака совми?

— Сов. Ўзингиздан сўрасак?

Бу сўрокка Сотимдов жавоб бермайдида, кўйнидан бир канча латта-путтага ўралган уч кадок чамаси бўгжомани олади. Сиз мундан биласизки Сотимдовнинг совлиги жўк.

— Аслида бободан каган жер 25 тенаб; васикаси монов! — деб бўгжома ичидан бир когозни сугуриб сизга кўрсатади. Аммо сиз гапка тушунмай Сотимдовнинг оғзига караб онграясиз.

— Рахметлик атам, — дейди Сотимдов, — кистовга(Кистов — жой номи.) аксакал бўган-да Карим бўқакнинг балаларидан ўттуз тенаб жерни накт акчага сатиб аган, васикаси нак ўсьх чикар! — деб яна бир когазни олади; — Монови бўлса бобой вактида жанжелга кирган Тас сўфининг жерига, атанинг файдасига деб сут хукм киган. Сиз ўрус жазувини биласизгўй?! Буси Азим кененинг(Кене — кана (муал.))

метрукаси(Метрука — гувохнома.) арага тусканда берасалар(Берасалар — ворислар.) бир батман жерни ўз иктиярларимен атага тексимона, деб кат(Кат — хат) киганлар!

Моновлар ата мархум бўлуб, ўзим жерларни камраганим сўнг журт балаларидан бирдаиҳида накт пулга кард(Кард — харид) киганмен. Бўган зчким-нинг сўз айтаси жўк!(Хеч ким хеч нарса деёлмайди.) — деб Сотимдов йигирма-ўттуз васикаларни битта-битта тарихлари билан сизга уқдириб чикадирда:

— Жигит дейман-ов! Буларингди болсобойинг кўrsa аттенга айтиб колар-ов?! — дейдир.

— Албетта! — дейсиз.

— Жер айланиб(Жер айланиб — замон айланиб (муал.)) тексемшиларинг жетиб колгудек кўринса(Жетиб колгудек кўринса — келиб колса.) айтиб кўйган(Айтиб кўйган — атаб кўйган.) бес-ўн тенга незримиз хам жўк эмас-ов, жигит! — деб Сотимдов васикаларни йигиб, кайтадан кўйнига тикадир ва сиздан жўялик гап эшитиб тамом хатиржамъ бўлган холда ўз йўлига кетадир.

Сотимдов, албатта Ибраим бўкага караганда содда. Бунда шубха йўк. Албатта буниси пих ёрган, ер ислохоти эълон килингандан берига энг ози ўн беш кадок ковжиради.

Битта яримта хол сўраганга: «Ичим оврий» ёки «Безгегим услади» деб жавоб беради. Худой кўрсатмасин уч жуз тенаб жер тексимга кириб колса борми, хаммангиз ёппасига Ибраим бўканинг жанозасига!

Ибраим бўкани пих ёрган деган эдик. Чунки ул юкорида биз кўрган Сотимдовдек хар кимга васика пеш килиб юрмайдир. Балки, кишлок ерсизларининг ёнига бориб секингина даромад киладир:(Даромад кilmok — гап бошламок.)

— Косим томир-ов, ишлар чеппагўй!

Тошимбой гапка эътиборсиз «кирт-кирт» килиб этини кашийдир. Умартоz носини туфлаб

сўрайдир.

— Чеппаси не?

— Гезитда ўкудим! — дейди бўка — ... хукумат, жер мужукка, деб жарлик(Жарлик-ёрлик.) чикарган!

Умартоз Тошимга карайдир. Тошим бўлса энди кашинишдан ўтиб бит ўлдириш билан овора.

Сўз навбати яна бўканинг ўзига:

— Мен ўйлаган эдим, жер беттарин(Беттерин — баттарин (муал.)) мужукка бўгандан ўз томиримизга колсин, деб, акчаси бўлса-жаз бар, кис бар, дегандек... ўз томиримизсизгўй! — дейдир.

Тошимбой жавоб ўрнига оғзини дўппидек килиб очиб юборадир. Умартоз бўлса шу тобда хўкуз хайдаб келган Султон жигит билан совлик сўрашиб, Ибрај бўқадан бир неча одим узоклашадир. Бу холдан тамом ёрилиш даражасига еткан бизнинг бўкамиз бўлса:

— Ай, худай урганлар! Болсебоймен барингиз серик(Серик — шерик.) чикарсиз-ов! — деб ичдангина ёнадир-да, кўргонига кайтадир.

Думбул, «Муштум» — 1925 йил, 19—20-сон.

Абдулла Кодирийдан